«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари
Адлия катта маслаҳатчиси
Харид комиссияси раиси

_______ З.Т.Юлдашев
«__»____10____ 2022 йил

# ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗАТЛАРГА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

## 1. Умумий маълумотлар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш ҳамда уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаларида бажарилган қайта қуриш (реконструкция) ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш учун танлов эълон қилиш ва ғолибини аниқлаш

кўзда тутилган

| т/р | Махсулот (хизмат) номи | 10 (ўн) календар куни | Ходимлар сони | Бир донасининг нархи | Умумий нархи |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Бош прокуратуранинг ўта оғир жиноятларни тергов қилиш ҳамда уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармалари жойлашган бинода бажарилган қайта қуриш (реконструкция) ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш | 10 | 10 | 50 000 000 | 50 000 000 |
| | **Итого:** | **10** | **10** | **50 000 000** | **50 000 000** |

**2. Танлов валютаси**

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

**3. Бажариб бериш шартлари ва муддати**

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 10 (ўн) календар куни этиб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади.

3.3. Объектда амалга оширилган қайта қуриш (реконструкция) ишларининг амалда бажарилган қиймати ва бажарилган иш учун тўланган ҳамда тақдим этилган нархларни пул миқдорини текшириш.

3.4. Объектда амалга оширилган қайта қуриш (реконструкция) ишларининг амалда бажарилган қиймати ва бажарилган иш учун тўланган ҳамда тақдим этилган нархларни пул миқдорини текшириш.

3.5. Объектнинг лойиҳа-смета хужжатларида назарда тутилган хусусиятларга ва мақсадларига мувофиқлигини текшириш.

3.6. Айрим иш турларининг бажарилган ишлар далолатномаларида такроран акс эттирилганлиги.

3.7. Илгари тўланган ишларни қайтадан тўловга тақдим этилганлиги, ўрнатиш ишлари таркибида бўлган асбоб-ускуналарнинг алоҳида акс эттирилганлиги

3.8. Ҳақиқатдаги иш шароитлари ва ишлар таснифига (масалан, баланд бинолардаги, қишги мавсумдаги ишлар ва ҳ.к.) мос келмайдиган коэффициентларнинг қўлланилганлиги;

3.9. Асбоб-ускуналар ва коммуникация тизимларининг синовдан ўтказилмаган ҳолда бажарилган ишлар таркибига киритилганлиги;

3.10. Қабул қилиш актларида кўрсатиб ўтилган ҳажмларни амалда бажарилганлигини ва объектни фойдаланишга тайёрлигини аниқлаш.

3.11. Объектда ишлатилган қурилиш материаллари ва буюмларнинг яширин иш далолатномалари, ижро чизмалари, муаллифлик назорати журнали ва юк хатларида келтирилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш.

3.12. Назорат ўлчовини техник хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга ошириш.

3.13. Назорат ўлчовини тўғридан-тўғри объектга ташриф буюриш ва ўлчов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш.

3.14. Назорат ўлчовини амалга оширишда қурилиш соҳасидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш.

3.15. Назорат ўлчови натижасига кўра қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмларида лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд бўлса, ушбу ҳолатларни кўрсатиш.

3.16. Ҳисоботларда арифметик хатоларнинг мавжудлиги ва бошқа ҳисоб-китобларни текшириш ва бошқа хизматлар.

**4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали**

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30 %, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

**5. Шартномани молиялаштириш манбаи**

5.1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.